

**Давлат сунъий йўлдошли геодезик тармоқни яратишда бажариладиган
геодезик ишлар ва уларга бўлган талаблар**

*И.М.Пирназаров - катта ўқитувчи, А.А.Қўлдошев - магистрант (СамДАҚИ)
Б.А.Самаров - магистрант (СамДАҚИ)*

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа йўналишлардаги муаммоларни ҳал қилиш йўлида дадил кадам қўймоқда. Шу жумладан, барча соҳалар каби геодезия, картография ва кадастр соҳаси ҳам анча тараққий этди. Сўнги йилларда геодезия, картография ва кадастр соҳасида олиб борилаётган илмий ва амалий ишларни янада мукамаллаштириш мақсадида, давлат сунъий йўлдошли геодезик тармоқни яратиш ва хаётга тадбиққилишга катта аҳамият берилмоқда. Албатта бу ишларнинг негизида геодезия, картография ва кадастр соҳасидаги ишларнинг иқтисодий самарадорлиги, аниқлиги ва шу ўринда “Миллий географик ахборот тизими” (МГАТ) ҳамда “Давлат кадастр ягона тизими” (ДКЯТ) ни картографик маълумотлар билан таъминлаш сифатини оширишда ва такомиллашишига олиб келади. Республикамиз президентининг 2013 йил 25 сентябрдаги “Миллий географик ахборот тизимини яратиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-2045 сонли қарори бу тизимга бўлган эътибор ва юримишнинг янада тараққий этишида катта аҳамиятга эга эканлигининг яққол исботидир. Давлат сунъий йўлдошли геодезик тармоқларни барпо этиш қуйидаги лойиҳалаш ишларидан иборат:

- тармоқни лойиҳалаш учун топшириқларни ўрганиб чиқиш ва уларни бажаришдаги талабларни билиб олиш;
- триангуляция, нивелир ва гравиметрик ишлар бўйича маълумотларни тўплаш ва тадқиқ қилиш. Ушбу маълумотларни триангуляция, нивелир ва гравиметрик ишларни бажарган ташкилот, ёки Ўзбекистон Республикасидаги геодезик ишларни назорат қилиш Давлат инспекциясидан олиш мумкин;

Давлат сунъий йўлдошли геодезик тармоқни яратишнинг ҳам ўзига қўйилган талаблари мавжуд бўлиб бу талабларга жиддий эътибор билан қараш зарур. Спутник тармоқларнинг пунктларига бўлган талаблар қуйидагилардан иборат:-

- пунктларнинг жойлашиши, спутник ўлчовларни бажариш учун опти-мал шароит яратиб бериш керак;
- 150 юқори баландлик бурчакларида спутник сигналларни қабул қилиш учун қаршилик кўрсатаётган муаммоларни йўқотиш;
- 6 ва ундан кўп спутниклардан сигналларни қабул қилишни таъминлаш;
- кўпғоваклик эффектини йўқотиш;
- спутник қабул қилгич антеннасини 1, 2 м кам бўлмаган баландликда ўрнатиш имконини излаш;
- радионурланиш (радарлар, радио станциялари ва ҳ.к) кучли манба-ларни йўқотиш.
- пунктга яқин келиш имконияти (кун ва йил давомида);
- спутник геодезик тармоқлар пунктларининг марказлари ўрнатилган жойда грунт сувлар сатҳи, ер юзасига нисбатан, 3 м дан яқин бўлмаслиги керак.

Давлат сунъий йўлдошли геодезик тармоқнинг ташкилий структураси
Албатта бундай талаблар асосида барпо этиладиган давлат сунъий
йўлдошли геодезик тармоқларнинг ишлаш аниқлиги анча юқори бўлади. Хар
қандай об-ҳаво шароитида юқори аниқликда нуқталарнинг координаталарни
аниқлаш мумкин. Бажарилган бу тадқиқот ишларнинг натижасида
топографик геодезик ишларнинг хар қандай шароитда қулайлиги,
меҳнатнинг унумдорлиги, тезкорлиги ва иқтисодий самарадорлиги анчагина
юқори бўлади.